

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИДА ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Ортиқбоева Малика Улуғбек қизи**

*Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети  
2-босқич магистранти*

### MAQOLA MALUMOTI

### ANNOTATSIYA:

#### MAQOLA TARIXI:

*Received: 06.05.2026*

*Revised: 07.05.2026*

*Accepted: 08.05.2026*

#### KALIT SO'ZLAR:

*жамоатчилик  
билан алоқалар, PR,  
камбағалликни  
қисқартириш, давлат  
сиёсати, ижтимоий  
ҳимоя.*

*Ушбу мақолада Ўзбекистонда амалга  
оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар  
жараёнида жамоатчилик билан алоқаларнинг  
аҳамияти таҳлил қилинган. Хусусан,  
камбағалликни қисқартириш, аҳолини ижтимоий  
қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият  
ўртасидаги очиқ мулоқотни таъминлашда PR  
тизимининг ўрни ёритилган. Шунингдек,  
Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли  
жамғармаси фаолияти, рақамли  
коммуникациялар, очиқлик ва шаффофлик  
тамойлларининг ижтимоий ислоҳотлар  
самарадорлигига таъсири таҳлил этилган.*

**Кириш.** Ҳар қандай жамиятнинг барқарор таракқиётига жиддий тўсиқ бўлувчи омиллардан бири аҳолининг камбағаллик даражаси юқори эканидир. У нафақат одамларнинг турмуш тарзига, балки давлат ва жамиятнинг иқтисодий ўсиши, ижтимоий барқарорлик ва инсон капиталининг ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу боис ҳам давлатимиз раҳбари камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини кARRасига оширишни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини қайд этиб, бу йўналишни умуммиллий ҳаракатга айланиши зарур эканини таъкидлайди.

Шу йўналишда юртимизда олиб борилаётган кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар замонавий шароитда камбағалликнинг келиб чиқиш сабабларини илмий

асосда таҳлил қилиш ва унга самарали ечим топиш юқоридаги мақсадларга эришишимизда қўл келади.

Аслини олганда камбағалликни қисқартириш бўйича амалий ишлар кеча ё бугун бошланиб қолгани йўқ. Йиллар давомида аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларни иқтисодий фаолликка жалб этиш, касб-хунарга ўргатиш, тадбиркорликни ривожлантириш каби бир қатор амалий чоралар тизимли равишда узвий амалга ошириб келинаётир.

Бу жараёнда Ўзбекистон аҳолисини иш билан таъминлаш, камбағалликни камайтириш ва жамоат манфаатларига хизмат қилувчи лойиҳаларни амалга оширишда Жамоат ишлари жамғармаси ҳам фаол иштирок этди. Жамғарма фаолияти давомида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бандликни таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, фуқаролар вақтинчалик иш ўринлари билан таъминланиб, уларнинг даромад манбаини шакллантиришга кўмаклашилди. Мазкур ташаббуслар доирасида ҳудудлардаги йўл, ичимлик суви, ободонлаштириш ва бошқа муҳим инфратузилма объектларини яхшилаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса маҳаллий ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилди.

**Асосий қисм.** Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига 2017-2024 йиллар учун бюджет маблағлари ҳисобидан жами 2 847,2 млрд.сўм режалаштирилган бўлиб, шундан 2 460,0 млрд.сўм маблағ ажратилди.

Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами 46,7 млрд.сўмлик 6791 дона харид қилинган асосий воситалар, мини ускуналар ва инвентарларни (тикув машиналари, мотокультиватор, автомобильъёв ювиш шаҳобчаси жиҳози, чанг ютгич, пакет ишлаб чиқариш ускунаси, тўкув дастгоҳи, бодом қадоқлаш ускунаси, мебель тайёрлаш ускунаси ва бошқа инвентарлар) тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш орқали жами 177 та корхона ташкил этилди.

Шундан, 166 таси янги фаолият бошлади ва 11 таси фаолиятини (модернизация) кенгайтди. Бунинг натижасида, 4033 нафардан ортиқ “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтари”даги ишсиз хотин-қизлар ва ёшларнинг доимий бандлиги таъминланди ва энг асосийси 2614 тага яқин оилалар камбағалликдан чиқарилди.

Бундан ижарага берилган асосий восита ва инвентарлар ижарасидан жами 21,8 млрд.сўм маблағлар тушишига эришилди. Ушбу маблағларнинг маълум бир қисми

жамоат ишларини кўшимча равишда ташкил қилиш учун йўналтирилди ҳамда маҳалла хайрия жамоат фондига 10 млрд.сўм маблағ ўтказиб берилди.

Ҳар бир сарфланган сўм ортида аниқ ижтимоий самара бор. Бунинг ортида Президентимизнинг тармоққа алоҳида эътибор билан қараётгани, тармоқ фаолиятини яхшилаш мақсадида янги лойиҳа ва ташаббуслар илгари сурилаётгани ётибди. Хусусан, Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.<sup>7</sup>

Хужжатга мувофиқ, камбағалликни қисқартиришга қаратилган амалдаги турли жамғармалар — Жамоат ишлари жамғармаси, Хунармандчилик ва касаначиликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси бирлаштирилди ва улар асосида юридик шахс мақомига эга бўлган Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси ташкил этилди. Бу эса фуқароларга кўрсатилаётган ёрдамни яхлит ва тизимли тарзда бошқариш имконини яратиб, молиявий ва ташкилий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Шунингдек, Президент қарорига мувофиқ жорий 2025 йил 11 мартда<sup>8</sup> қабул қилинган ҳукумат қарори эса Жамғарма иш сифати ва масъулиятини янада оширди.

Мазкур меъёрий хужжатлар жамғарма ишини манзилли, самарали ташкил этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Уларда жамғарма томонидан амалга ошириладиган асосий йўналишлар белгилаб берилган.

Бугунги кунда давлат ташкилотлари фаолиятида жамоатчилик билан алоқалар тизими алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки ҳар қандай ислоҳот ёки ижтимоий дастур аҳолига тўғри ва тушунарли тарзда етказилмаса, унинг самарадорлиги кутилган даражада бўлмаслиги мумкин. Шу боис давлат органлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида жамоатчиликка доимий, тезкор ва очиқ маълумот бериб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Айниқса, камбағалликни қисқартириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби йўналишларда жамоатчилик билан мулоқот муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларга яратилаётган имкониятлар, янги дастурлар, имтиёз ва лойиҳалар ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш орқали аҳолининг фаоллиги ва

<sup>7</sup> 23.09.2024 ПҚ-330-сон «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида <https://lex.uz/uz/docs/7109778>

<sup>8</sup> 11.03.2025 158-сон Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида <https://lex.uz/uz/docs/7428395>

ишончи ортади. Бу эса давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳозирги рақамли даврда оммавий ахборот воситалари, матбуот хизматлари, ижтимоий тармоқлар ва электрон платформалар давлат идоралари учун аҳоли билан мулоқотнинг энг муҳим воситасига айланмоқда. Айниқса, жамғарма томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар, яратилаётган иш ўринлари, амалий натижалар ва инсонлар ҳаётидаги ижобий ўзгаришларни кенг ёритиб бориш жамоатчилик хабардорлигини ошириш билан бирга давлат сиёсатининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлайди.

Шунингдек, жамоатчилик билан алоқалар тизими орқали фуқароларнинг фикр ва таклифларини ўрганиш, уларнинг мурожаатларига тезкор муносабат билдириш ҳам давлат бошқарувида муҳим ўрин тутаяди. Бу эса аҳолининг муаммоларини жойида ҳал этиш, манзилли ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий адолат тамойилларини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.<sup>9</sup>

Бундан ташқари, давлат ташкилотларида жамоатчилик билан алоқалар тизимини ривожлантириш орқали фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кучайтириш имконияти ортиб бормоқда. Айниқса, аҳоли фикрини ўрганиш, таклиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, очик мулоқот майдонларини ташкил этиш бугунги кунда давлат бошқарувининг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бу эса давлат органларининг халқ манфаатларига хизмат қилувчи очик ва халқчил тизим сифатида шаклланишига хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, жамоатчилик билан самарали алоқалар давлат ташкилотларининг ижобий имижини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аҳолига ўз вақтида ва ишончли маълумот тақдим этиш, амалга оширилаётган ишлар натижаларини кенг ёритиш орқали фуқароларнинг давлат сиёсатига нисбатан ишончи мустаҳкамланади. Бу эса жамиятда очиклик, шаффофлик ва ижтимоий ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтиришга хизмат қилади.<sup>10</sup>

Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасининг фаолияти Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг янги, мураккаб ва самарали босқичга кўтарилганини аниқ кўрсатади. Ушбу жамғарма фақатгина ижтимоий нафақа тўлаш билан чекланиб қолмайди, балки ҳар бир фуқаронинг иқтисодий мустақилликка эришиши учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган комплекс тадбирларни

<sup>9</sup> Cutlip S., Center A., Broom G. Effective Public Relations. — Pearson Education, 2013.

<sup>10</sup> Grunig J. Excellence in Public Relations and Communication Management. — Routledge, 2013.

амалга оширади. Бу жараёнлар, ўз навбатида, мамлакатда умуммиллий барқарорлик, ижтимоий адолатни таъминлаш ва аҳолининг фаровонлигини ошириш сари муҳим кадам бўлиб хизмат қилади.

Жамғарма вазифаси сифатида фуқароларни касб-хунарга ўргатиш, тадбиркорликни ривожлантириш учун молиявий ёрдамлар бериш, иш ўринлари яратиш ва ижтимоий инфратузилмани яхшилаш каби муҳим йўналишлар кўрсатилган. Бир сўз билан айтганда, жамғарманинг фаолияти Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсатини модернизациялаш ва аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш борасида муҳим аҳамиятга эга.

Жамғарма бу борада халқаро саммит ва илмий-амалий конференцияларда фаол қатнашиб келмоқда. Турли мамлакатлардаги тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзолаган. Жумладан, Туркия давлатининг Истанбул шаҳридаги “Marmara Group” стратегик ва ижтимоий тадқиқотлар жамғармаси ҳамда Жамоат ишлари жамғармаси ўртасида халқаро ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамда бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда турли вебинар, илмий-амалий конференциялар ўтказиб келяпти.

Истиқболда камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармасининг фаолиятини янада кенгайтириш учун бир неча муҳим йўналишларни ривожлантириш зарур. Бундан ташқари, замонавий технологияларни жорий этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ижтимоий шерикликни ривожлантириш орқали камбағаллик муаммосини тўлиқ ҳал этиш имкониятлари яратилади.

Бу жараёнда давлат ва жамиятнинг ҳамкорлиги, биргаликда ҳаракат қилиши муҳим аҳамиятга эга. Фуқаролик фаоллигини ошириш, одамларнинг ўз ҳуқуқлари ва имкониятлари ҳақидаги билимларини кенгайтириш, уларни ижтимоий ҳаётга фаол жалб қилиш — бу каби тадбирлар жамиятда ижтимоий адолатни ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, давлат томонидан ишлаб чиқилган янги дастурлар ва лойиҳалар, жамиятнинг турли қатламлари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган ташаббуслар, камбағалликни қисқартириш ва иқтисодий ривожланишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда рақамли технологияларни давлат бошқарувида кенг жорий этиш орқали аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараён камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, электрон платформалар, онлайн мурожаат тизимлари ва рақамли мониторинг

механизмлари орқали фуқароларнинг эҳтиёжларини тезкор аниқлаш ва уларга манзилли ёрдам кўрсатиш имкониятлари кенгаймоқда.

Шу билан бирга, маҳалла институти билан яқин ҳамкорликни кучайтириш орқали эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва амалий ёрдам кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилмоқда. Айниқса, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Темир дафтар” каби механизмлар аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Инсон кадрини улуғлаш ва фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун барча зарур шароитларни яратиш — давлатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Камбағалликни қисқартириш эса бу борадаги комплекс ва узок муддатли вазифалар қаторида алоҳида ўрин тутаяди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. 23.09.2024 ПҚ-330-сон «Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида <https://lex.uz/uz/docs/7109778>

2. 11.03.2025 158-сон Камбағалликни қисқартириш давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида <https://lex.uz/uz/docs/7428395PF-6247-сон> 16.06.2021. <https://lex.uz/docs/-5459107?ONDATE=20.01.2024>

ScottCutlipLegacyPRR.pdf

3. Cutlip S., Center A., Broom G. Effective Public Relations. — Pearson Education, 2013. [glen-m.-broom\\_-bey-ling-sha-cutlip-and-centers-effective-public-relations-pearson-college-division.pdf](https://www.pearsoned.com/highered/resources/for-authors/glen-m.-broom_-bey-ling-sha-cutlip-and-centers-effective-public-relations-pearson-college-division.pdf)

4. Grunig J. Excellence in Public Relations and Communication Management. — Routledge, 2013.

5. O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi <https://gov.uz/oz/bv>